O'ZBEKISTON




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 ноябр чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 217 (2514)


## Бугунги ҳаракат — эртанги баракат



# «Плёнка афзаллигини била туриб, ўзимизда ҳафсала етишмади»

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Оқсарой қароргоҳида пахтачилик муаммоларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз Жиззах пластмасса корхонасида ишлаб чиқарилаётган плёнка вилоятларга етиб бормаётганлиги, хусусан, бу йил Хоразм ва Бухоро вилоятлари зарур миқдорда плёнка олмаганлигини танқид қилган эди.

Хўш, нега шундай бўлмоқда? Андижонликлар чигитни плёнка остига экишдек истиқболли усулнинг афзаллигини амалда исботлаб турган бир пайтда, нима учун бошқа вилоятларнинг хўжаликлари плёнка олишмаяпти?

«Жиззах пластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида чигит экишда қўлланиладиган плёнка ишлаб чиқариш бундан уч йил муқаддам йўлга қўйилганди. Ўша йили 832 тонна, 1998 йили 10942 тонна, 1999 йили эса... 13 тонна плёнка тайёрланди. 1998 йили тузилган шартномага кўра, вилоятларга 4710 тонна маҳсулот сотилди. Бир йилдан кейин эса бу иш бироз сустлашди. Пахтакорлар 682 тонна плёнка харид қилишди, холос.

Бунинг асл сабаблари билан қизиққанимизда, шу нарса маълум бўлдики, юқоридан белгиланган миқдордаги плёнкани вилоятлар олмаган ёки уни умуман рад қилган. Энг қизиғи, маҳсулотни олиш тўғрисида шартнома тузилиб, томонлар уни муҳрлар билан тасдиқлаганлар-у, лекин бажарилмаган. Масалан, 1998 йили ҳиссадорлик жамияти 5150,9 тонна плёнка сотишни режалаштирган эди. Ҳақиқатда эса 4710 тоннаси сотилган, холос. Кейинги йили эса шартнома шартларига мутлақо риоя қилинмаганлигини кўриш мумкин. 4140 тонна ўрнига 694,2 тонна плёнка хўжаликларга жўнатилган. Бирорта вилоят нафақат юқоридан белгиланган, балки ўзлари тузган шартномада кўрсатилган миқдордаги плёнкани олмаган. Тошкент ва Хоразм вилоятлари эса шартномани тузиб, умуман маҳсулотни олишдан бош тортган.

Жорий йилда ҳам худди шундай аҳвол такрорланди. Ҳиссадорлик жамияти вилоятларга 1385,2 тонна плёнка етказиб беришни кўзда тутган эди. Лекин шартнома 760,7 тоннага тузилди. Амалда эса 677,4 тонна плёнка сотилди, холос. Кўпгина вилоятлар шартномада кўрсатилган миқдордаги плёнкани олмади. Наманган ва Самарқанд вилоятлари эса умуман шартнома тузмади.

(Давоми 2-бетда).

# Пахтазорда кураш жадаллашган пайтда

### Самарқанд вилоятида 38 та кўрак териш, 116 та кўсак чувиш машиналари таъмирланмаган

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бундан икки йил аввал Самарқанд вилояти пахтакорлари республикамизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини уддалашганди. Ўтган йили эса Андижон вилоятидан сўнг иккинчи бўлиб марра эгалланганди. Самарқандликларнинг пахтачилик соҳасида ўз тажриба мактаби, ўзига хос услублари бор, афсуски, бугун вилоят пахта тайёрлаш борасида мамлакатда қолоқлар сафига тушиб қолди. Йиғим-теримнинг ҳал қилувчи ойи тугаётган бўлса-да, ҳали пахта тайёрлаш режаси 67 фоизга етмаган, кунлик ўсишда эса ҳамон суръат паст. Пайариқ, Челак, Гўзалкент, Иштихон каби асосий пахтачилик туманларидаги аҳвол янада ачинарли. Ҳатто доимо илғорлар сафида бўлган Пахтачи тумани пахтакорларининг ҳам шаштлари паст.

Тўғри, республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни туғаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятда йиғим-теримга оммавий сафарбарлик бироз кучайтирилгандек бўлди, аммо ишда ярқ этган ўзгариш унчалик сезилмаяпти.

Айрим мутахассислар билан суҳбатлашсангиз, далада ҳосил мўллигини, лекин кўракларнинг ҳали тўлиқ очилмаганини рўкач қилишади, сув тақчиллиги оқибатида ғўза ривожи кечикканлигини айтишади.

Бугунги кунда вилоят пахтакорлари олдида бор ҳосилни нобуд қилмай йиғиб олиш ва 2001 йил ҳосили учун агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишдек жиддий вазифа турибди. Шунинг учун ҳам кўрак териш ва кўсак чувиш машиналаридан фойдаланишни кечиктирмаслик талаб этилади. Афсуски, бу борада ҳам вилоятда аҳвол қониқарли, деб бўлмайди. Айни пайтда мавжуд 99 та кўрак териш машинасининг 61 тасигина далага олиб чиқилган. Вилоятдаги 532 та кўсак чувиш машиналарининг 31 таси Челак, 25 таси Гўзалкент, 18 таси Пайариқ туманлари улушига тўғри келади. Аммо бу туманларда эндигина 7 тадан шундай машиналар таъмирланган, холос.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлисда

# Даромадлар қисми 100 фоиздан ошди

***Дастлабки маълумотларга қараганда, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Давлат бюджетининг даромадлар қисми ана шунча миқдорни ташкил этди.***

Кеча Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилишида иккита масала, яъни Давлат бюджетининг 2000 йил 9 ойи мобайнидаги ижроси якунлари ҳамда 2001 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари кўриб чиқилди. Қўмита раиси А.Аҳадов парламент Давлат бюджети ижросини ўрганиб, муҳокама қилиб бораётгани, 2001 йил Давлат бюджети айни пайтда парламентда ҳам қизғин кўриб чиқилаётгани ҳақида гапирди.

Йиғилиш кун тартибидаги ҳар икки масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, молия вазири Р.Азимов ахборот берди. Вазир 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида Давлат бюджетининг даромадлари дастлабки маълумотларга қараганда 639,4 миллиард сўмни ёки режалаштирилганига нисбатан 100,6 фоизни ташкил этгани, умумий тушумлар эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан таққослаганда бир ярим баравар ошганини билдирди. Унинг айтишича, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилган харажатлар Давлат бюджети харажатларининг энг салмоқли улушини ташкил этган. Ўтган давр мобайнида ушбу соҳаларга ажратилган улуш Давлат бюджети харажатларининг қарийб 43 фоизига тенг бўлди.

Академик лицейлар, касб- ҳунар коллежлари ҳамда бошқа ижтимоий иншоотлар қурилиши учун Давлат бюджети ҳисобидан катта миқдордаги маблағлар йўналтирилди. Маҳаллий бюджетларнинг бажарилиши 104,9 фоизни ташкил этди. Даромадларнинг тушуми барча минтақалар бўйича бажарилди, деб айтиш мумкин.

Йиғилишда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Давлат бюджетининг ижроси Олий Мажлис томонидан маъқулланган доираларда бўлганлиги айтилди.

2001 йилнинг Давлат бюджети лойиҳасида ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) 105 фоизгача ошириш, саноат маҳсулоти ҳажмини 106,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмини 106,0 фоизгача оширишни таъминлаш назарда тутилган, капитал маблағлар ҳажмини эса 101,7 фоизгача кўпайтириш ҳамда пулнинг қадрсизланиши даражасини йилига кўпи билан 16 фоиз даражасида сақлаш белгиланган.

Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 29,8 фоиз (1152,8 миллиард сўм) миқдорида, харажатлар эса ЯИМга нисбатан 31,3 фоиз (1210,3 миллиард сўм) миқдорида бўлиши мўлжалланмоқда.

Лойиҳада, шунингдек, юридик шахслар учун фойда (даромад)дан олинадиган солиқ миқдорини 2001 йилда 31 фоиздан 26 фоизга қадар камайтириш назарда тутилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшимча тарзда 22 миллиард сўм миқдоридаги маблағни йўналтириш имконини беради. Ваҳоланки, 2000 йилда фойда (даромад)дан олинадиган солиқ миқдори атиги 2 фоизга камайтирилган, яъни 33 фоиздан 31 фоизга туширилган эди, холос.

Йиғилишда қўмита аъзолари молия вазирига Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан саволлар билан мурожаат қилишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Тафтингдан айланай, тафтингдан

Нафақат Наманган, балки бепоён мамлакатимизнинг энг шимолий нуқтасида жойлашган Заркент қишлоғи уй бекалари хонадонларида «зангори олов» ёнишини узоқ йиллар орзулаб келишди.

Ниҳоят, ўн километр узунликдаги юқори ва ўрта босимли газ тармоғини тортиш учун 129 миллион сўм маблағ керак бўлди. Унинг катта қисмини ҳудуддаги «Заркент» ширкат хўжалиги кўтарган бўлса, анча-мунчасини қишлоқ ишбилармонлари тўплашди. Масалан, тадбиркор Шокиржон Ўринбоев ўз жамғармасидан 2 миллион сўм ажратди.

— Тафтингдан айланай, тафтингдан! Энди кампиримга ғўзапоя ташиб келтиришу, ўтин ёриб беришдан қутуладиган бўлдим-да, — дейди меҳнат фахрийси Нақибжон Ёқубжонов.

Биргина Нақибжон ота эмас, балки олти минг аҳоли яшайдиган қишлоқнинг мингдан ортиқ хонадон бекаларининг жони кириб қолди газ келиб.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЧИНОЗЛИКЛАР МАРРАДА



«Пахта — 2000»

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Чиноз тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик шартнома-режасини бажарди. Давлат қабул пунктларига 19,2 минг тоннадан зиёд хомашё етказиб берилди. Мавжуд 7 минг 239 гектар майдонда ғўза парваришлаган чинозлик пахтакорлар ҳар гектар ердан ўртача 26,7 центнердан ҳосил кўтарди.

— Айни пайтда далаларда йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Давлатга яна 1,5 минг тонна пахта сотиш ниятидамиз, - дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Турғун Ботиров.

# УСТОЗ САНЪАТКОРЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Киночилар уйида “Ўзбеккино” давлат акционерлик компанияси ва республика Кино арбоблари бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбекистон халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев ҳамда Сойиб Хўжаев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Санъатшунос олимлар, таниқли актёрлар, танқидчилар иштирок этган мазкур тадбирда миллий экран санъати равнақига улкан ҳисса қўшган истеъдод соҳибларининг ижодий фаолияти ҳақида сўз борди, уларнинг ҳаётига оид ёрқин хотиралар ёдга олинди.

Юртимизда Шукур Бурҳонов қатнашган фильмлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Актёр ижодининг бетакрорлиги, улуғворлиги шундан иборат эдики, у ўзининг қалби, бой маънавий дунёсини саҳнада, экранда томошабинга тўла етказа биларди. “Улуғбек юлдузи”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Шоҳ Эдип”, “Қиёмат қарз” сингари фильм ва спектакллар фикримизнинг исботи бўла олади.

Таниқли санъаткор Олим Хўжаев эса саҳна нутқи, сўз маданиятини ўзбек кино санъатида янги чўққиларга олиб чиқишга муваффақ бўлган иқтидор соҳибларидандир. У яратган Солиҳ Маҳдум, Хўжа Аҳрор сиймолари айнан шу боисдан ҳам халқимиз меҳрини қозонди.

Сойиб Хўжаев номи тилга олинишидаёқ кўпчиликнинг чеҳрасида беихтиёр табассум пайдо бўлади. Миллий киномизга илк бора ҳажвий сиймоларни олиб кирган “Тошболта ошиқ”нинг истеъдод қирралари нафақат театрда, балки кинода ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлган. Санъаткор иштирокидаги “Ёр-ёр”, “Дилбарим” сингари фильмларни, тасвирга туширилганига анча бўлса-да, халқимиз ҳали-ҳамон мириқиб томоша қилади.

Тадбир доирасида Киночилар уйида санъат дарғалари иштирокидаги фильмлар намойиш этилди.

# Кеча суд залида

# Айб эълон қилинди

**Ф.САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Очиғ гап, ўтган тўққиз йил халқимиз тарихида унутилмас из қолдирди. Негаки, шу давр ичида Ватанимизнинг иззати жойига қўйилди, халқимиз қадр топди. Жаҳонда ўз ўрнимизга ва сўзимизга эга бўлдик. Бунга на зўрлик, на зар билан эришиб бўлмасди. Бунга фақат ўткир ақл-идрок, билим, катта йўлбошчилик салоҳияти туфайлигина эришилди. Ўзбекнинг омади келганлигини кўриб, ғанимлар оромини йўқотди. Тинч, осуда ҳаёт кечираётган халқнинг қувончи уларнинг ҳаловатини бузди.

Суд залига кира туриб хаёлимдан шулар ўтди.

— Ҳамма ўрнидан турсин, суд келаяпти!

Бу жарангдор овоз хаёлимни суд залига етаклайди. Илгари хабар қилганимиздек, Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигида ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан очиқ суд жараёни давом этаяпти.

Давлат айбловчиси Эркин Кудратов айблов хулосасини ўқиб бўлганлигини билдиргач, дастлабки терговорганитомонидан 12 нафар судланувчиларга айб эълон қилинди. Темир панжара ичида ўтирган судланувчилар — Олимжон Абдувоҳидов ва Улуғбек Маҳмудов эълон қилинган айбга тўлиқ иқрор эканликларини бирма-бир билдирдилар. Усмон Шукуров эса гуноҳини қисман тан олишини айтди.

Суд мажлиси давом этади. Жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалар бера бошладилар. Жабрланувчиларнинг бири судланаётганларнинг ваҳшийлиги боис фарзандлари, яқин жигарлари азобланганлигини дард билан сўзласа, бири оиласига мудҳиш мусибатлар олиб келинганлигини алам билан баён этади. Яна бири эса уларнинг ёвузликлари ҳақида сўзлаб, одамларни ваҳшийларча қийнаганликларини нафрат билан таъкидлайди. Рости, айбланувчиларнинг қилмишларини ақлга сиғдириш қийин. Жабрланувчиларнинг чеҳрасидаги мунг, дийдасида қотган кўз ёшлар ўн икки нафар кимсага нисбатан нафратни ифодалайди. Шунинг учун ҳам уларнинг аламли сўзларини шунчаки эшитиш мумкин эмас.

Ҳа, миллатимиз, озодлигимиз душманлари бугун бизнинг юракларимизга ана шундай оғриқ солмоқда. Аммо, Ватан туйғуси қалбларимизни ҳар нафасида орзиқтириб турар экан, эртамиз янада ёруғ ва мунаввар бўлиб бораверади. Шундай ёруғ кунларни, тинчлик ва омонлик шукронасини билмайдиганларга эса одил суд ўз сўзини айтажак.

# Мамлакатимизда

### «Агама» хорижга интилмоқда

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Агама» қўшма корхонаси маҳсулотлари мамлакатимиздагина эмас, бир қатор чет давлатларда ҳам маълум ва машҳур.

Корхонанинг Навоий шаҳридаги трикотаж тармоғида 30 хилдан зиёд жемпер, нимча, жакет каби хотин-қизлар дидига мос, қулай ва энг замонавий устки кийимлар тайёрланмоқда. Улар донг таратган чет эл фирмалари ёрлиғи билан чиқарилаётган кийим-кечаклардан асло қолишмайди. Корхона маҳсулотларининг 80 фоизидан ортиғи Россия давлатига экспорт қилинаётир.

Юз чевардан иборат жамоа йил охиригача 40 миллион сўмлик ана шундай харидоргир кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ва 20 миллион сўм соф фойдага эга бўлиш ниятида.

### «Ватан мустақиллигига — менинг ҳиссам»

Кеча Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати шундай мавзуга бағишланди.

Биз ўзимизга «Юртимизда эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашга қандай ҳисса қўшдим?» деган саволни беришимиз ва ўз фаолиятимиздан унга ижобий жавоб топа олишимиз керак, дейишди давра суҳбати иштирокчилари.

— Биз Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таҳсил оламиз, — дейишди Раъно Анвари ва Дамира Қамчибековалар. — Дарсдан бўш пайтимизда пойтахтдаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига инглиз тилидан сабоқ берамиз. Уларнинг жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланишларига ҳиссамиз қўшилмоқда.

### «Қўйинг учун жаримани қурутдек сана!»

Муқаддас ҳадисларда ҳам қўй боқишдан келадиган қут-барака алоҳида уқтирилган. Аммо қўйни қўтонда ёки яйловда боқиш лозим. Қораўзак туманидаги «Қаршиғали» ширкат хўжалигидан Сарсанбой Бегдуллаев эса 25 бош қўй-эчкисини сув тақчиллиги шароитида минг машаққат эвазига етиштирилган ғўза даласига қўйиб юборди.

«Шода-шода кўсакларнинг турган-битгани ем. Ёғи ҳам ичида, кунжараси ҳам. Буларни еган қўй-қўчқорларимнинг думбаси қарсондек бўлиши аниқ...»

Қўй-эчкилар соҳиби ана шу «ширин» хаёллар оғушида турганида махсус назоратчилар етиб келиб, пайҳон ҳолатини қайд этдилар. Зудлик билан маъмурий чора ҳам кўрилди: ўша фуқаро 6840 сўм жаримани қурутдек санаб беришга мажбур бўлди. Бу ҳол яна такрорланадиган бўлса, қоида бузувчини «жиддийроқ» чоралар кутади!

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Сешанба хабарлари

### Янгиликлар, воқеалар, фактлар



# Пойтахтда

### Пухтанинг иши «беш»

Шу кунларда қуёш юз кўрсатиб, ҳарорат бироз илиған бўлса-да, остонамизда қиш турибди. Қиш эса саришталикни ёқтиради. Унга пухта ҳозирлик кўриш, теварак-атрофни тозалаб, тартибга келтириш пойтахтимизда одат тусига айланган. Юнусобод туманида бу тадбирни амалга оширишга биринчилардан бўлиб киришилди.



Туманда 25 ноябрга қадар ободонлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Ўтган шанба, якшанба кунлари бир қатор корхона, ташкилот ва муассасаларда шанбаликлар бўлиб ўтди. Кўчалар бўйидаги, хиёбонлардаги дов-дарахтлар қуриган шох-шаббадалардан тозаланиб, теварак-атроф орасталанди. Бундай шанбалик ва умумхалқ ҳашарлари қизғин давом этмоқда.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Курраи заминда

### Мадрид билан ҳамкорликда...

Франция Ташқи ишлар вазирлиги Испанияда содир этилган террорчилик ҳаракатини қаттиқ қоралади ва бундай ҳаракатларга қарши ҳамкорликда курашишга тайёргарлигини билдирди. Вазирлик баёнотида Париж террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда Мадрид билан ҳамкорликдаги ҳаракатларини давом эттиражаги баён этилган.

Маълумки, Мадридда портловчи модда билан тўлдирилган автомашина портлатилиши натижасида уч киши ҳалок бўлган ва бир неча киши жароҳатланган эди.

### Элчилар даражасидаги мажлис

Россия-НАТО доимий қўшма кенгашининг (ДҚК) элчилар даражасидаги навбатдаги мажлиси ўтказилди. Томонлар Югославиядаги тинч демократик ўзгаришлардан мамнуният билдириб, уларнинг минтақадаги вазиятга таъсирини муҳокама қилди. Мажлис ҳақидаги расмий хабарда таъкидланишича, қатнашчилар БМТ Хавфсизлик кенгашининг резолюцияларини бажариш, турли соҳаларда, жумладан, Косоводаги озчиликни ташкил этувчи миллатларни ҳимоялаш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларини давом эттиражаги маълум қилинган.

### Ҳарбий бўлинма юборилди

Буюк Британия ўзининг Сьерра-Леонедаги ҳарбийлари сафини кенгайтириш режасини амалга ошира бошлади. Бирлашган Қироллик мудофаа вазири Жефф Хун мамлакат парламентида Сьерра-Леоне қирғоқларига “Оушен” вертолётбардори, “Файрлесс” ҳарбий кемаси ҳамда таркибида 42 аскари бўлган ҳарбий бўлинма юборилганини маълум қилди. Улар 10 кундан кейин манзилга етиб боради.

### «Омадсиз» бой

Британиялик Алекс Селби бир соат ичида бадавлат одамга айланган бўлса-да, ўзини омадсиз ҳисоблайди. У дунёда биринчи бўлиб “Этернити” номли супербошқотирмани ечди ва муаллифнинг бир миллион фунт стерлинглик мукофотига сазовор бўлди. Бироқ узоқ йил ишсиз юрган математик А.Селби бунча пулни нимага сарфлашни билмай боши қотиб юрибди.

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз**

